

Сийрат дарслари (64-дарс). Аллоҳ беш вақт намоз билан хатоларни ўчиради



19:05 / 20.12.2019 5612

306. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Айтинглар-чи, агар бирингизнинг эшигингиз олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар куни беш марта ювиниб турса, унинг киридан бирор нарса қоладими?»**. «Унинг киридан ҳеч нарса қолмайди», дейишди. **«Ана шунга ўхшаб, Аллоҳ беш вақт намоз билан хатоларни ўчиради»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

307. Усмоннинг мавлоси Ҳумрондан ривоят қилинади:

«Усмонга таҳорат суви берар эдим. Ҳар куни унга бироз сув қўшар эди. Шунда Усмон айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу намозимиздан – Мисъар: менимча, асрдан, деди – қайтганимизда: **«Нима қилсам экан, сизларга бир нарсани айтайми ёки сукут сақлайми?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, агар яхшилик бўлса, айтинг. Агар бошқача бўлса, Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дедик. **«Қай бир мусулмон Аллоҳ унга ёзган таҳоратни тугал қилса ва ушбу беш вақт намозни ўқиса, албатта, улар ўзлари орасидаги нарсага каффорот бўлади»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай дейилган: «Усмон таҳорат қилди, уни гўзал равишда қилди. Сўнгра: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шу жойда яхшилиб таҳорат қилганларини кўрдим. Кейин у зот: **«Ким ушбу таҳоратга ўхшатиб таҳорат қилса, кейин масжидга кириб икки ракат намоз ўқиса, сўнг ўтирса, аввалги гуноҳлари кечирилади»,** дедилар, деди».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан